

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тинчлик — фаровонлик гарови

Фарона ва Ҳў воқеалари чоғидаёқ, гоҳ демократия, гоҳ дин ниқобига яшири-ниб, ўзларининг ёвуз гоъ-ларини йўлида оммавий қирғин чиқарувчи галамис тоифа-лардан бизни ҳушёр бўлиш-га чорлаган эди. Қолаверса мустақилликдан кейин ҳам Президентимиз Марказий Осиё давлатлари миқёсида кенгашлардан тортиб, Ҳамдўстлик давлатлари раҳ-барлари анжумани «Форум фонд» сессияси, Евро-па Хавфсизлик ва Ҳамкор-лик Ташкилига саммити, БМТ ассамблеяси каби кўп-қўл фузули йиғинлар-нинг юксак минбарларидан туриб, бу офат ҳақида так-рор-такрор бонг урмагани-ди? Терроризмнинг энг кат-та ўқорларидан бирини ай-лаиб бораётган Афғонис-тонда тинчлик ўрнатилган, бу мамлакатдаги жафокаш халқлар ўртасида тотулик-ни таъминлай оладиган ҳукуматни қарор топтириш-га қаратилган «6 плюс 2» гу-руҳи Ўзбекистоннинг та-шаббуси ила ташкил этил-маганми? Афсуски, ҳам-мамиз ҳам бу масалага ўз вақтида зийрак ёндаша ол-мадик. Терроризмнинг зах-рини ўз танасида синиб кўрган халқимиз бугун ана шу қасоқат қўча қарши қўраш-ётганларнинг олинги сафида ту-риши табиийдир.

ларда янграган сўзлар шуни исботламоқда.

— Доимо халқ орасида бўлиш, тарғибот ишлари-ни юксак савияга кўтариш маҳаллий раҳбарлар зимма-сидаги юмушнинг бир томи-ни, ҳоло, Вазирамнинг иккинчи томони ҳам бор-ни, у ҳам бўлса, кишилар-нинг истак-талаблари, кун-далик эҳтиёжларидан мунта-зам равишда кўз-қуюқ бўлиб туришдан иборат. Зеро, баъзи рақибларимиз чумолидек камчилигимизни туйяк қилиб кўрсатишга, андак парвосизликдан келиб чиқадиган кичик хатоми-ни улкан фожеа тарзида баён этишга жуда уста. Бундан айрим соддадил кишилар, айниқса, гўр ёшларнинг фикри чалғиши мумкинли-гини ҳаётнинг ўзи кўрсат-иб турибди.

Туманимиз фаоллари шуни назарда тутиб, ме-хнатқашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини им-кон қадар тўлароқ қонди-риш йўлида янада тадбир-корлик билан иш олиб бо-ришмоқда. Халқимиз ҳам давлатнинг ҳар соҳада катта ёрдам бериб келаётганини чуқур ҳис этган ҳолда, яна-да ҳамжихат бўлиб меҳнат қилмоқда. Бу эса ўз самара-сини бераётир. Хусусан, жор-ий йилда туманимиз аҳли пилла, дон, пахта сотиш ре-жаларини вилоятда бирин-

чи бўлиб удаладилар. Шу ўринда ҳақиқи савол туғилади: меҳнатқашлари-мизнинг манфаатдорлиги қай тарзда юксалмоқда? Президентимиз тинмай та-кидлаб келаётган бу омил жуда муҳимдир. Аҳолини ичимлик сув билан таъмин-лаш 95 фоизни, табиий газ таъминоти 93 фоизни таш-кил этса-да, биз эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолаётганимиз йўқ. Бу йил янги маҳаллаларда 7,5 километрлик газ, 8 километр-лик сув тармоғи ишга ту-ширилди. Пахта теримида қатнашганларга қариб 700 миллион сўм нақд пул тар-қатилди. Бундан ташқари, урдаборун томорқачи сифа-тада республикамизда донг таратган миришқорларимиз, ҳозирча турпни ҳисоблама-ганда, шахсий ерларида етиштирган бодиринг, узум, хурмо сингари ноз-неъмат-ларни сотишдан 4 миллиард 200 миллион сўм даромад олдилар. Биргина октябр-нинг ўзида дала меҳнатқаш-ларига 95 тонна пахта ёғи арзон нархда сотилди.

Кўриниб турибдики, шах-сий ҳўжалиқлардаги фаоли-ят деҳқонларимизнинг асо-сий даромад манбаи бўлиб қолмоқда. Биз бунга эътибор-га олиб, икки ҳўйда мине-рал ўғитлар дўқони, ҳар бир кишлоққа эса кунжара, ше-луха, омикта ем сотилади-

ган дўқонларни ташкил эт-дик. Эътиборлиси, ушбу махсулотлар бевосита завод-дан келтирилатгани бонсе, бозордагидан анча арзонга тушмоқда. Шу билан бир-га, нафақат фермер ҳўжа-ликлари, балки хонадонлар-даги чорва туёғи сонини кўпайтириш мақсадида банкларимиз бу йил аҳоли-га 286 миллион сўм микро-кредит берди.

Айни чоғда замонавий деҳқон бозори, марказий стадион, истироҳат боғи, са-йилгоҳ, янгидан қад рост-лаган коллеж ва лицейлар, савдо, маийий оҳват, та-бобат, умумий оққатланш тизимлари бинолари, мала-ний-маъмурий иншоотлар туманимиз кўрғига кўрк қўймоқда.

Республикамизнинг бар-ча ҳўйлариди, шу жумла-дан, вилоятимиз ва тумани-мизда рўй бераётган бундай юксалишларни кўзатиб ту-риб, ҳар қандай ақли расо одам бир нарсга сўзсиз ик-рор бўлади: бу оламда тинчликдан катта бойлик йўқ! Халқимиз айни шу бой-лиқни асраш йўлида мардо-навор хурашиб келаётган эди. Йўлбошчимиз билан донм елкадошир. Муста-қиллик берган неъматлар-дан бизни жудо қилишлари-га ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

«Халқ сўзи» мухбири И. ҲАБИБОВ сўхбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фер-мер ҳўжалиқларининг молия-вий, моддий-техника ресурслари-дан фойдаланиш механизми-ни такомиллаштириш мақса-дида ўтган даврда жойларда 43 та минибанк, 36 та ёқилги-мой-лаш материаллари шохобча-лари, минерал ўғитларни сота-диган 40 та кичик оғбор, 38 та муқобил машина-трактор парк, 36 та сувдан фойдала-нувчилар уюшмаси ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқ-да. Айни пайтда, Мувофиқла-штирувчи кенаш барча минта-қаларда ҳам бу йўналишга етарли эътибор қаратилмаёт-ганини қайд этди. Масалан, Наманган вилоятида бирорта ҳам ёқилги-мойлаш материаллари шохобчаси ташкил этилмаган, Бўҳоро ва Жиззах вилоятлари-да эса ҳанузгача муқобил МТПлар ва сувдан фойдала-нувчилар уюшмалари йўқ.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун жорий йилда қовола-надиган махсулотлар рўйхатини кенгайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2001 йил балансида товар ишлаб чиқарувчиларинг бу гуруҳи учун 20 минг тонна автомобиль бензини, 44 минг тонна дизел ёқилгиси, 4 минг тонна металл махсулоти, 36 минг тонна минерал ўғит, 45 минг тонна ун ажратилган. 2002 йилда кичик ва ўрта биз-нес субъектлари учун махсус ажратилган қоволанадиган мах-сулотлар рўйхатини 6 тадан 28 тургача кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг, айниқса қишлоқ жойларида моддий-хонашэ ресурсларидан самарали фойдаланиш имко-ниятларини жадал ривожланти-риш ва кенгайтириш тизими устидан назоратни кўчатириш бўйича чора-тадбирлар кўриш режалаштирилган.

Мажлисада кичик ва ўрта бизнес субъектларини молия-вий қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратиш бўйича ишчи гуруҳининг Мувофиқлашти-рувчи кенаш томонидан тас-диқланган 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратиш прогнози кўрсаткичларининг тижорат банклари томонидан бажари-лиши борасидаги ахбороти тингланди. Таъкидландики, тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давоми-да кичик ва ўрта бизнес

субъектларига миллий валюта-да кредит ажратиш ҳажми 112 миллиард сўмни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларидан анча кўпдир.

Тижорат банклари жорий йилнинг учтинчи чорагида кич-ва ўрта бизнес субъектла-рига оёққа туриб олиши учун кредит бера бошладилар. 2001 йил охиригача ана шу мақ-садлар учун 1 миллиард сўмга-ча маблағ ажратиш кўзда ту-тилган.

Хорижий кредитлар ҳисоб-дан 260 миллион АҚШ долла-ри миқдоридида лойиҳалар мо-лиялаштирилди. Жумладан шу йилнинг ўтган 9 ойи мобай-нида бу мақсадларга 42,2 мил-лион АҚШ доллари сарфлан-ди.

Қайд этилдики, «Парвина-банк», «Хамкорбанк» каби ай-рим тижорат банклари хори-жий кредитларни ўзлаштириш масаласида орқалмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратиш бўйича ишчи гуруҳига назоратни кўчатири-ш ва 2001 йилнинг ўтган 9 ойи чорагида тижорат банкла-рига қўрсатилаётган амалий ёрдамни кўпайтириш, 2002 йилда кичик ва ўрта биз-нес субъектларига кредит ажратиш прогнози кўрсаткичларини тай-ёрлаш, бу борда келгуси йил-да барча хорижий манбалар ор-қали кредит ажратиш қўшма-ча лимитларини 200 миллион АҚШ долларигача етказиш ва-зифаси топширилди.

Мувофиқлаштирувчи ке-наш мажлисида Қорақалпоғис-тон Республикаси, Сирдарё ви-лояти ҳўудий комиссиялари, Хоразм вилояти Кўшқўйир ту-мани ва Тошкент шаҳри Ми-робод тумани ҳўкимликларининг кичик ва ўрта бизнес, ху-сусий тадбиркорликни ривож-лантириш ва бунинг учун ша-рот яратиш тўғрисидаги ҳис-оботи тингланди.

Таъкидландики, кўриб-ётган чораларга қарамай, ҳамма жой-да ҳам кичик ва ўрта биз-нес ривожланиши учун қўлай ша-рот яратилмаган. Ўзқазилган таҳлил шуни кўрсатдики, Қо-

рақалпоғистон Республикасида прогноз кўрсаткичларига уму-ман эришилган. Шу билан бир-га, кредит маблағлари туман ва шаҳарларга тенг улўшда тақ-симланмапти. Масалан, 4389,3 миллион сўм миқдоридидаги кре-дит ресурсларининг умумий ҳажмидан 14,5 фоизи Нўхус шаҳрига, 15 фоизи Ҳўжайли туманига тўғри келди. Қон-қўл, Кегейли ва Бўзатов каби туманларда эса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш туман дастурлари маҳаллий хо-машэ ва меҳнат ресурслари, мажбур ишлаб чиқариш кор-хоналари инноват олимасдан ишлаб чиқилган.

Сирдарё вилоятида тадбир-корлар ўртасида тушунтириш ишлари суст олиб борилмади. Жумладан, Ширин шаҳрида 2001 йил давомида тадбиркор-лар учун бирорта ҳам семинар ўтказилмаган. Миравобод туманида махсулот экспорт қила-диган кичик ва ўрта биз-нес корхонаси ташкил этилмаган. Умуман, вилоятда 9 ой даво-мида хорижий кредитлар ҳис-обига бирорта ҳам инвестиция лойиҳаси жабэ этилмаган. Ал-дия вазирилик текширишлари вақтида Сирдарё вилоятида тадбиркорликни тартибга сол-диган амалдаги қўнўчликлик-нинг ҳўкимият ва бошқарув идоралари томонидан бузили-ши ҳўллари кўп-қўл аниқлан-ган.

Қорақалпоғистон Респу-бликаси Вазирлар Кенашини, Сир-дарё вилояти ҳўкимиятига Президент Ислом Каримов-нинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги мажли-сида сўзлаган нўтидидан келиб чиқиб, фаолиятнинг бу йўна-лишини тўдан такомиллашти-риш мақсадида шаҳар, туман ҳўкимлари, Республика муво-фиқлаштирувчи кенаш аъзо-лари иштирокчида ҳўудий ко-миссияларнинг кенгайтирилган мажлисларини ўтказиш тавсия этилди.

Тошкент шаҳри Миробод туманида кичик ва ўрта биз-нес ривожланиши таҳлили шуни кўрсатдики, ўтган йил-нинг шу даврига нисбатан рўйхатга олинган корхоналар

сонини 768 тага, фаолият кўрса-таётганлар сонини 616 тага ка-майтган. Кичик ва ўрта биз-нес субъектлари экспорт ҳажми бу даврда 19,5 миллион доллардан 13,4 миллион долларга ту-шиб қолди. Тумандаги 431 та моддий ишлаб чиқариш соҳа-си корхоналаридан бирортаси ҳам маҳаллийлаштириш дасту-рига жабэ этилмаган. Амалда-ги солиқ қўнўчилигини бузил-моқда, тадбиркорларнинг ҳўқуқлари камситилмоқда. Ту-манда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан маълум бўлишича, тадбиркорларнинг 40 фоизи туман ҳўкимлиги ишони салбий деб баҳоламоқ-да.

Мувофиқлаштирувчи ке-наш Миробод тумани ҳўким-лигининг кичик ва ўрта биз-нес, хусусий тадбиркорлик учун шароит яратиш ва уни ривожлантириш бўйича иш-ни қониларсиз, деб топди. Тошкент шаҳри ҳўкимияти шаҳар мувофиқлаштирувчи кенашининг махсус мажлиси-ни ўтказиш ва бу масалада Ми-робод туманидаги ишларнинг аҳолини муҳофама этиш тав-сия этилди.

Кўшқўйир тумани ҳўкимия-ти икки ҳафта муддатда ту-манда 2001-2002 йилларда кич-ва ўрта бизнесни ривож-лантириш дастурини ишлаб чиқиш ва Мувофиқлаштирув-чи кенашга тақдим этиш ва-зифаси юклатилди. Бунда иш-лаб чиқаришни ташкил этиш, тайёр махсулотни сотиш бозор-лари, дастурни молиялаш ман-баларини аниқлаш ҳамда аниқ муддатлар ва ижроқилини бел-гилашга алоҳида эътибор қарати-лиш лозимлиги ўқтирилди. Рес-публикамнинг етакчи тижорат банклари раҳбарлариға Кўшқўйир туманига бориб, у ерда минибанклар очиш, ки-чик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун кредит ажратиш ва улар-ни амалга ошириш жараёнини жадаллаштириш имкониятла-рини ўрганиб чиқиш тавсия этилди.

Кенашда муҳофама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **(ЎЗА).**

Ер очганинг — бахт топганинг



Сурхондарё вилоятида мажбур ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қўриқ ерлар ҳисобига экин майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу юмуш билан янги ташкил этилган 13-қўриқлик корхоналарининг бирлашган дирекцияси жамоаси шуғулланаётир. Ана шу жамоанинг сай-ҳаракатлари туғилган қисқа муддат ичида Шеробод, Қизилор, Музработ туманларида 8 минг гектардан зиёд ерга қурулар орқали сув чиқарилиб, экинзорларга айланмоқда.

СУРАТДА: бирлашган дирекциянинг электр найвалдчилари Рустам Тўхтаев ва Илҳом Норматов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ажаб савдолар

Одатда, ҳикояда бош қаҳрамон, иккинчи даража-ли қаҳрамон қаҳрамончалар, воқелик, унинг туғу-ни, энг авж нўқтаси ва очини бўлиши шарт. Биз ўз ҳўкимиятда ана шу жанр талабига озми-кўпми амал қилишга ҳаракат қилиб кўраимиз.

Вазирлар Маҳкамаси шу йил 9 март кўни респу-бликамиздаги қатор корхоналарни хусусийлаштириш ва бу жараёнга чет эл сармоядорларини ҳам жалб этиш ҳақида махсус қарор чиқарди. Мақсад давлат-тимиз валюта захирасини бирмунча бойитиш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш эди. Қарорга илова қилинган рўйхат-дан Сирдарё вилоятидаги учта корхона ҳам жўй олганди. Уларнинг бири Сирдарё шаҳридаги автомобилларни газ билан тўлдириб компрессор бекати бўлиб, ҳикоямизнинг туғуни мана шу бекат хусусидаги жанжал ҳисобланади.

М шўлумки, «Сен мен-га таъми, мен сенга таъмайман» деган ақлда бил-дан яшайдиган замоналар ўтиб, бу ақлда тодларин алла-қачон кесилди кетган. Бугун-ги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз ҳақ-ҳўқуқини, қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилишининг ҳавосини оляпти, десак му-болага бўлмайди.

Сирдарё шаҳридаги авто-мобилларни газ билан тўлди-риш компрессор бекати рес-публика Кўчмас мулк бир-жасида «Кимощди» савдоси-да тўлик сотилишдан баҳар-дор бўлди. Унинг раҳбари Гофир Маманов ҳам жамов аъзоларининг «Биз ақилдор-миз, демок, мулкдоримиз. Шундай экан, компрессор бекатини харид қилишга ҳақимиз бор» деган талаби асосида республика Давлат мулки қўмитаси ва «Автога» ҳиссалдорлик жамияти мута-садиларига уршди. Аммо уларнинг жаюби битта бўлди: «Биз газеталарда сизларнинг корхоналарини фақат эркин алмаштириладиган валютага сотилади, дея эълон берган-миз. Валюталарини бўлса, марҳамат, корхона сизларни-ки!»

Дарҳақиқат, «Адолат

биржасидаги «Кимощди» сав-досида корхоналарининг юз миллион сўмга сотиб олди... — Ик, бекат фақат валютага сотилди, ўзбек сўмга ҳара-кат ҳам қилиб юрмишлар, ле-ган эдингиз-ку? Сўмга сотил-са, ўзимиз ҳам сотиб олардик-ку!.. Лоақат 15 кишилик жа-

листон шаҳрида «Кимё-сервис» хусусий корхонасини очил-ди. Уни Гулистон шаҳар ҳўки-ми шу йилнинг 23 август кўни йилнинг 819-қарори билан рас-миёлаштириб берди. Акс ҳол-да бирор-бир банк уларнинг пулини қабўл қилиб, орадан икки-уч кун ўтгач, Тошкентта

дуллаев билан учрашиб, унга ўзимизни қизиқтирган савол-ларни бердик.

— Олди-сотдини қонунга эид эмас, деб ўйлайман. Ма-на бола эид бўлса, бу ишга мен эмас, Давлат мулки қўмитаси-даги раҳбарлар жаюб бериша-ди... — деди у.

Ана, ҳоло, пинди тиле! Буни енг ичиди иш битирган одамлардан бир лаҳзада ўз ўги-ринининг аjoyиб намунаси, деса бўлади.

Республика Давлат мулки қўмитаси ва республика Кўчмас мулк бевосита дахлдор мутасад-диларига ҳам бали! Улар бу олда-сотди шартномаси ҳақидаги ҳўжжатларни қўздан кеңиришайётганларида, унинг қонунга эид ёки эид эмасли-гини таҳлил этиётганларда ни-маларни йўлашиб экан? Ахир, Вазирлар Маҳкамаси қарориди-на унинг иловасида «Барча кор-хоналар чет эл инвесторларга со-тилиши» деган жумла алоҳида қайд қилинган эид-ку?

Таъни бир гап. «Кимощди» савдосида ҳар бир корхона, ху-сусан, Сирдарёдаги бекат ҳам савдога бир неча маротаба қўйилиши, агар харидор топил-маса, унинг нархи 15 фойдан 50 фойгача арзонлаштири-лиши қонуний белгилаб қўйил-ган бўлиб, бунин республика Кўчмас мулк қўмитаси, Республика «Автога» ҳиссалдорлик жамияти раҳбарлари беш қўлда биллишларди. Билишга биллишлар-ю, аммо...

«Кимощди» савдоси бўлиб ўтган 21 август кўни бир АҚШ доллари 414 сўм 35 тийин миқ-дорда қайд этилганди. Удала буролар эса корхонани 100 миллион сўмга харид қилиб, дахлдан ҳазинасига қўзда тутил-ганидан салкам йигирма мил-лион сўм кам пул тўлашгани-га нима дейсиз?

Умуман, бу енг ичиди амал-ш оширилган олда-сотдининг қай бир томонига қарама-н, қонунни четлаб ўтиш ҳолатига

ЎЙИН

Ёки шахсий манфаат йўлида хусусийлаштиришга оид қонунчилик талабларини четлаб ўтишнинг аjoyиб «намуна»си ҳақида ҳикоя

гидан тузуқини терлаб ҳам олди. Ниҳоят, у: — Очинг, бу савдоларнинг менга эмас, Тошкентдаги ҳўжайинимиз Бахтиёр Убай-дуллаевга беришлар, дейишан бошқа чора топаолмайди.

Ана ҳикоянинг бошланғич нуқтасида бир бор қайтлайлик.

Тўри, бутунги кунда юр-тимизда сармоядорлар талай-ган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам тез кунда 104 миллион сўм нақд пулини банкка топшириб, кейин уш бошқа манзилларга жўнатиш имконига эга эмас. Бахтиёржон ва унинг бир неча шериги тузуқини тадбиркор йигитларга ўқийди. Агар улар бу катта пулни тўридан-тўри ақшонага кўтариб бориб, рес-публика Давлат мулки қўми-таси ҳисобига тўлагувчи бўл-салар, орада турми миш-мишлар урчиши мумкин эид. Ҳўш, нима қилиш керак? Улар Гу-

Талаба ёшлар терроризмга қарши

асраш ҳар бир Ўзбекистон-ликнинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида гапираркан, талабаларнинг деярли кўпчилиги шоирнинг «Мен нечун севман Ўзбекистон-ни?» номли шеърини ёдга олди. Бу ҳолат уларнинг қа-қанан кўзларида ҳам ифода-ланарди.

Бугунги кунда талаба

ёшларга «терроризм» деган қабўхат моҳиятини тўғри тушунтириш ва оғоҳлик туйғусини кўчатириш эр-танги кун ҳамда келажак-ни асраш демокдир. Чунки ёшлар — бизнинг ворисла-римиз бўлиб, биздан кейин йўлимизни ва ишчимизни давом эттиргувчилардир.

Абдулла Орипов бу ҳақда гапираркан, терроризмга қарши курашни «улкан да-рахтга чирмашиб чиқаётган илонга қўшларнинг қарши ҳўжуми»га ўхшатди. Зеро, қўшлар озодликда, кенг ва бегубор осмон бағрида бе-хавотир яшашни, парвоз қилишни хўш қўришади. Ўз уяларини ҳеч қачон илонга бўшатиб бермайдилар.

Дарҳақиқат, анжуманда қатнашган Эркин Воҳидов, Ҳалима Ҳудойбердиева, Омон Матжон, Ойдин Ҳажиева, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Азим Суён-ларнинг ўй-фикрлари-ю, шеърлари бунга ҳамоҳанг бўлди.

Гофур ЖАБИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйишда қўйиматини белгилади.*

1 Австралия доллари	343,85
1 Аустрия шиллинги	44,90
1 Англия фунт стерлинги	989,76
10 Бельгия франки	153,14
1 Голландия гульдени	280,34
10 Греция драхмаси	18,14
1 Дания кронаси	83,02
1 БАА дирхами	185,41
1 АҚШ доллари	680,90
1 Миср фунти	160,59
10 Италия лираси	37,13
100 Исландия лираси	31,91
1 Канада доллари	431,44
1 Ҳонг кони	82,27
10 Люксембург франки	153,14
1 Малайзия рингити	179,21
1 Германия маркиси	315,87
1 Польша злотоси	165,89
1 СДР	870,79
1000 Туркия лираси	6,43
1 Финляндия маркиси	103,90
1 Франция франки	94,18
1 Швейцария франки	420,13
1 ЕВРО	617,78
10 Жаңабўй Корея вон	5,29
10 Япония иенаси	55,88
1 Россия рубли	22,93
1 Украина гривнаси	128,61

* Валюта қўйиматини белги-лаш чоғида Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки мажбу-риятларини шўб қўйиматини белгилади.

Янги авлод дарслиги


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида «Ўқитувчи» нашриёти мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим талабаларига мўлжалланган, замонавий руҳда ёзилган, янги педагогик технология жавоб берадиган мукамил «Менеджмент» дарслигини туҳфа қилди.

Академик М.Шарифқўжаев ва профессор Е.Абдуллаевларнинг ушбу дарслиги нафақат илмий-назарий ҳазина, шу билан бирга, дарслик ёзиш тартиби бўйича гоёта мукамил услубий қўлланмадир.

Дарслик тузилиши ва ҳажмига кўра, 14 боб ва 702 бетдан иборат. Унда шакл ва мазмун мувофиқлиги таъминланган. Дарсликнинг барча боблари Қўрғон қаримдан оғилар, ҳикоят ва ҳадислар, ибратли иборалар, тест топшириқлари, интелектуал тренинг, ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва оммабоп адабиётлар рўйхати билан бойитилган. Муаллифлар китобда кроссвордлар ва турли машқларни ҳам тавсия этганларки, бу талабаларнинг ўз билимларини, раҳбар ходимларнинг эса амалий фаолиятлари самаралорини синнаб қуришга имкон беради.

Дарсликнинг тузилиши ва ёзилиш услуби ўзига хос эканлигини, айниқса, таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, бобма-боб келтирилган тест топшириқларини эслайлик. Бу аслида ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш амалиётида биринчи ва жуда ўринли ёндашув ҳисобланади.Zero, кўп босқичли таълим тизимида ўқувчилар билимини аниқлашда тест усули ҳали ҳамда бой имкониятларга эга бўлган самарали восита эканлигини ҳаётининг ўзи тасдиқламоқда. Чунки ана шу усул ўқув юртлига ўқиб ва ўқитиш сифатини оширади, талабаларнинг билимини, маҳоратини, истеъдодини объектив равишда назорат қилиш имкониятини таъминлайди, ўқувчилар билан яқиндан туриб ишлаш шарафини яратди, билим олинганда ўзаро баҳслашув руҳини тугдиради. Қолаверса, ҳар бир фандан тўлган балларга асосланиб, ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини таққослаш ва рейтинг натижаларига қараб уларни фавқулодда имконияти яратилади.

Хусусан, 5-бобда келтирилган тест топшириқлари бошқарув соҳасига мутахассис кадрларнинг қабул қилини, уларнинг аттестациядан ўтказиши, шунингдек, раҳбарнинг қандай раҳбар эканлигини, яъни унинг рейтингини аниқлашда ҳам жуда кўп келади. Мавзуларнинг таққинларини турли жадал ва шакл-чиқмалар билан уйғунлаштирилганлиги эса мазкур дарсликнинг энг эътиборли томонларидан ҳисобланади.



М.Шарифқўжаев, Е.Абдуллаев «МЕНЕДЖМЕНТ» Дарслик

ҳар бир масалага чуқур ёндашувлари дарсликнинг назарий-методологик асосларини янада чуқурлаштиради. Айнан шундай ёндашув ўз навбатида дарсликнинг Шарқ бошқарув тартиботи руҳида ёзилишига, шу йўсинда мавжуд Фарб бошқарув таълимотини бойитишга ёрдамга беради.

Шунингдек, ушбу дарслик кўпгина олий ўқув юртиларининг ўқув режасига киритилган менежментнинг турли йўналишлари бўйича қўлланмалар ва дарсликларни яратишда назарий асос вазифасини бажариши мумкин. Бундан ташқари, у махсус ўқув юртилари тингловчиларига мўлжалланган, бу «Раҳбар рейтингини» «Раҳбар масъулиятини», «Раҳбар маданиятини» каби махсус мазмун курсларини яратишда жуда кўп келади.

Ҳар бир бобнинг сўнгига келтирилган тест топшириқлари талабанинг билимини нафақат фанинг ҳар бир мавзуси бўйича (жорий назорат), шунингдек, фанинг айрим бўлиmlари (орақли назорат) ва барча мавзулар бўйича ҳам (яқини назорат) қисқа вақт ичунда синаш имконини беради. Энг эътиборли томони шундаки, тест усули талаба билимини синашда ҳолисликни таъминлайди, талабанинг ўз билимини ўзи текширишига,

ўзига ўзи баҳо қўйишига имкон беради.

Айни чоғда барча тузилган тест топшириқлари валидлик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг ишончлилиги ва яроқлилиги коэффицентлари даражаси жуда юқори. Бу ўринда муаллифларнинг тест топшириқларини тузишдаги маҳоратлари эътиборга лойиқ эканлигини айтиш керак.


Дарсликнинг яна бир ўта аҳамиятли томони Президент асарларидан фойдаланиш тартибини намоян қилувчи биринчи манба эканлигидир. Тўққиз йилда чоп этилган Президентимиз асарларидан асосий мавзулар «Менежмент»нинг тегишли бобларида ўринли равишда келтирилган. Шу билан бир қаторда ҳар бир бобда энг сўнгги йилларда чоп этилган хорижий ва маҳаллий адабиётлар рўйхати ҳам берилганки, бундай имконият илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, ўқитувчиларнинг маъруза курсларини тайёрлашда, амалиётдаги барча бўлин раҳбарлари учун эса раҳбарликнинг сир-синоатларини ўрганишида жуда ҳам асқотади, деб ўйлаймиз.

Китобда барча мавзулардаги матнлар ихчам ва маҳорат билан тузилган жадвалларга, чизма ва графикларга таяниб ёритилганки, бу ўз навбатида уларга асосланиб махсус слайдлар, кўргазмалар материалларини тайёрлаш ва дарс жараёнига аудио, видео, шунингдек, электрон версияларини жўриш имконини ҳам беради.

Дарсликка оид айрим иш-тақриплар ҳам йўқ эмас. Масалан, унинг ҳар бир бобидagi масалаларга нисбатан фан намоёндаларининг қарашлари фикрлари берилса, фойдалан ҳоли бўлмас эди. Муаллифлар олга сурган айрим таърифлар, тушуна ва таъомилларда баҳсли жидатлар ҳам учрайди. Шубҳасиз, тафаккур эркинлиги шароитида турли ёндашувлар, қарашлар бўлиши мумкин, чунки буни ижод эркинлиги талаб қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, академик М.Шарифқўжаев ва профессор Е.Абдуллаевлар томонидан яратилган бу дарслик нафақат олий ва ўрта махсус таълим юртилари талабалари, балки ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқаруving барча бўлинларидagi раҳбарларнинг билим савиясини оширишга, кенг оммаини бозор исоҳотларида, хусусан, бошқарув жараёнида фаол қатнашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қ.АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими, академик.



ТС-ТЕХНОЛОГИЯ

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони,
"Пойтахт" Бизнес мажмуи,
Фарбий томон, 2-йўлак,
Офис 29,30.
Тел: 137-72-91, факс: 137-72-92.
Самарқанд шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 222.
Тел: (3662) 22-09-54, 22-24-75.
E-mail: tstech@tstech.uz



Оқилона баҳодаги катта имкониятлар



Тадбиркорлик ва аёл

Ўрта-Чирчиқ туманида хотин-қизлар ўрта-сидда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар қишлоқ аёллари ўртасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хотин-қизлар қўмиталарининг роли ва бу борада илғовла амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Замонамиз одамлари

Шоназар Юсупов етмиш бир ёшда. Лекин унинг дик қомати, жиддий кибеси, қайғу-хали ва салобатли сўзларидан ҳали ҳам қучи-қувват сезилгандай борлигини илтиб олиш қийин эмас. Ҳарбийларга хос оҳангда, чўрт кесиб гапиргани боис, баъз бировлар отани «генерал» деб ҳам аташади.

Бободеҳқон

Умумчиликнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Айниқса, ер шўрланган бўлса, у алоҳида парваришни талаб қилади. Маҳаллий иқлим ҳамда ер имкониятидан келиб чиққан ҳолда, тоқорларни қондириб сугорини лозим. Шунда унинг шўри яхши ювилади. Аммо ҳужаймада юмуш юз бора мўшук кечта.

ган имтиёз ва кафолатлардан тўла фойдаланиши учун тадбиркор аёллар ўртасида тушултириш ишларини олиб бориш, ўз ҳақи ва ҳуқуқларини тўла аниқлаб етишлари учун ўқув марказлари иштини янада жонлантириш кераклиги қайда эътило.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ҳуломова сўзга чиқди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ҳам қўйди. У бош иргатач, оҳишта, лекин қатъий тушунтириди: — Сенинг ризикинг қирқилгани йўқ. У кўпчилигининг ризикини сақлаб қолди. Кўпчилик эса кўрган зарарини қоплайди.

Шолиқорга моддий ёрдам кўрсатилади, гиналар унутилди. Лекин кўнгилида бир доғ қолди. Унинг ризики ҳақиқатан ҳам қирқилган ёки ҳақиқатан у иختирий равишда юз кечган вақтлари ҳам бўлган. Шунда ҳам ҳеч кимга таъна қилган эмас.

Эсида, бундан анча йил ил-

гари райком котиби билан чиқармай, минерал ўғитдан қисиниб қолганди. Агар маҳаллий ўғитга эъри бермаганида, ўзи ҳам замбар кўтариб, тер ўқмаганида, режа қўйилгандай қўйилган анёқ эди. Режани уйдатила-ю, таъна маломатдан қўтила олмади. Котиб уни сўстхаликда айблади. Аслида ўша йили ҳеч ким унинг қилиш жон қуйдирмаган эди.

Ота қишлоқ ёшлари билан тез-тез учрашиб туради. Айниқса, мактабларга кўп ташриф буюради. Шунда у ўзи аввал-ла асаридан кўстхаликни кийиб олган бўлади. Бу кос-

Хатирчи тумани аҳолиси 160 миңдан ошиб кетди.

Янги иш ўринларига талаб катта. Амалга оширилаётган қатор тадбирлар орасида меҳнат ярмақаларининг маркази баланд. Ҳар шунданки, унга тадбиркорлар ҳам бош қўйишмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган меҳнат бозорида туман автомобилдан йўлларидан фойдаланиш ва Лангар очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, «Хунарманд» кичик корхонаси каби йигирмага яқин иш берувчилар ўзларига муносиб ёшларни топишди. Иш ўринлари асосан тадбиркорлар ҳисобидан яратилди. Ортиқча ишчи кучлари ҳам айнан кичик корхоналарга, тадбиркорликка йўналтирилмоқда.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иш ўринлари кўпайди

шаҳарга кетиб ишлашга ҳаққим йўқми? — Нима учун ҳаққинг бўлмасин?! — деди шу заҳоти шон унга салобат беришлайди. Аммо у буни ўйлаб эмас, балки ўғил-қизлар Ватанимиз нақалар улар ва курагани эканлигини, меҳнат, албатта, қалр топишини аниқлашлари учун учрашувга тантанавор руҳда боради. Уқувчиларга ўз ҳаққини, шират ҳўжўлигининг тарихидан эринмай гапириб беради.

— Инсон қўли гул, — дейди у оҳишта, гўё ўз кучига ишонган ҳофиз аввал паст оҳангда куйлаб бошлагани-

Муваффақиятларга эришишдан кўра, уни сақлаб қолиш мустаҳкамлаб туриш мўшкурроқ. Шоназар Юсупов ани шу ҳаққа кўп ўйлади. Ахир, бутун ҳаммининг, шу жумладан, ҳўжалик аҳлининг ҳам фикру тафаккури ўзаранга, янгиланган. Ҳеч ким энди орқатга қайтишни, насибаси ҳам бўлишини истамайди. Бу, даъватлар, раҳбарга боллиқ, Ҳўжалик аҳли эса уни ишонди.

Бу йил жамоа 200 миллион сўмдан зиёд даромадга эга бўлади. Қишлоқда янги врачлик пункт, мактаб қурилинди, галаштириш ҳамда сув таъминотини яхшилаш тадбирлари ҳам авж олади. Бу борада «генерал»нинг анёқ ҳисоб-китоблари бор.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусидаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 15 октябрдан 27 октябргача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруvinинг 2001 йил 6 октябрдаги 25/8-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага қўшимча қилириш ҳақида»ги қарори.
- 2001 йил 27 октябрда 564-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 6 ноябрдан қучга киради).
2. Даваритектурилиш қўмитасининг 2001 йил 28 сентябрдаги 04-6-сон «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Даваритектурилиш қўмитаси билан савдо танловлари натижаларини келиши ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- 2001 йил 27 октябрда 1075-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 6 ноябрдан қучга киради).
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 01/06-21-сон «Акциядорлик жамиятлари акциялари қўриқинидаги давлат акцияларининг таркиби ва уларнинг депозитар ҳисоби хусусиятлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- 2001 йил 27 октябрда 1076-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 6 ноябрдан қучга киради).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда чет эл эмитентлари ва чет элдаги ўзбек эмитентларининг қимматли қоғозларига рўхсат бериш, рўйхатга олиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида низоми. УЗР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1995 йил 20 декабрда 199-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
- Адлия вазирининг 2001 йил 16 октябрдаги 175-мх-сон буйруғи билан чиқарилди.
2. Эркин алмаштириладиган валютани сотиб олиш учун йиғим тўлаш тартиби тўғрисида низоми. УЗР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2001 йил 18 июлда 1051-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
- Адлия вазирининг 2001 йил 23 октябрдаги 176-мх-сон буйруғи билан чиқарилди.
3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулки бўлган бинаолар ва ишоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари ҳамда шаҳарчаларидаги кўп қаватли турар жойларни тиклаш қийматининг йириклаштирилган курсаткичлари 1-тўплами. «Ўзкоммунхизмат» агентлигини томонидан тасдиқланган (1996 йил 6 декабрда 287-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
- Адлия вазирининг 2001 йил 24 октябрдаги 177-мх-сон буйруғи билан чиқарилди.
4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулки бўлган бинаолар ва ишоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари, шаҳарчалари ҳамда қишлоқ жойларида қайта тартибда қурилган иморатлар ва ишоотларни тиклаш қийматининг йириклаштирилган курсаткичлари 2-тўлами. «Ўзкоммунхизмат» агентлигини томонидан тасдиқланган (1996 йил 6 декабрда 288-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
- Адлия вазирининг 2001 йил 24 октябрдаги 178-мх-сон буйруғи билан чиқарилди.
5. Аҳоли даромадларини фўқорларнинг омонатлари бўйича ҳисобларга қайта пулсиз ўтказишга доир операцияларни амалга ошириш тартиби ва 1-2-сонли узгартирилган. УЗР Марказий банки томонидан тасдиқланган (1999 йил 3 июнда 738-сон, 2000 йил 4 январда 738-1-сон, 2000 йил 3 июлда 738-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
- Адлия вазирининг 2001 йил 27 октябрдаги 179-мх-сон буйруғи билан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2001 йил 4 октябрдаги 109-сон «Жисмоний шахсларнинг мол-мулки бўлган бинаолар ва ишоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари ҳамда шаҳарчаларидаги кўп қаватли турар жойларни тиклаш қийматининг йириклаштирилган курсаткичлари 1-тўламини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (янги тахрирда).
2. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2001 йил 4 октябрдаги 108-сон «Жисмоний шахсларнинг мол-мулки бўлган бинаолар ва ишоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари, шаҳарчалари ҳамда қишлоқ жойларида яқна тартибда қурилган иморатлар ва ишоотларни тиклаш қийматининг йириклаштирилган курсаткичлари 2-тўламини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (янги тахрирда).
- Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжатлар деб топилди, шунинг учун улар белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланб, қучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига эид қондалар бўлмаслиги лозим.

Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, оилада соғлом муҳитни яратиш бугуннинг долзарб мавзуларидан бири. Соғлом авлод муаммоси бугунги кунда давлат сиёсати даражасига чиққани боис, белгиланган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш кенг халқ оммаси, жамоатчилик иштирокида амалга оширилиши зарурлиги уштурулмоқда.

Оиладаги соғлом муҳитни ким яратди, ким унинг мунозамлигини таъминлайди? Юртбошимиз катта бир йиғилишда: «Керак бўлса, қайноналар тарбияси билан шугулланиш керак», — деганларида айнан ҳар бир оилада тинчлик-қотирхамликни, соғлом руҳий ҳолатни яратишга масъул бўлган оиланинг ёши улуг отларнинг назарда тутилган бўлса, ушбу масалага ва қадар чуқур эътибор берилишининг сабаб-муҳитини ҳам барчамиз англаб туришимиз. Статистика маълумотларга кўра, оилада тотуликка раҳна солинишга сабаб бўлаётган асосий омиллар — қайнона-келиндарнинг муҳаббатли муҳаббатлари, билимсизлик, жаҳолатга берилиш, ўзаро бир-бирини тушунамаслик экан. Бунинг оқибатида эса ҳеч айбиз фарзандлар азият чекадилар.

Ҳеч ким ёмон ният билан янги турмуш бошламайди. Қалбида энг пок орзу-ниятлар билан ўзга хонадон остонига қадам қўйган янги оила аъзоси — келинчақ ҳам, ўзининг бир парча элтигани оқ сўт бериб, то вояга етказгунча ювиб-тараб, не-не умидлар билан уйлантирган онаизор ҳам, оиланинг бошқа аъзолари ҳам. Лекин нима сабабдан тўйдан кейин сағал фурсат ўтмай, айрим оилаларда дилхиралликлар, асабузарликлар пайдо бўлади, айни уйнаб-қулиб, ҳаётдан аватланди, соғлом зурриятлар еттириш зарур бўлган бахтир дамлар ўрнига ёш ота ва айнақса, бўлгуси она руҳиятига зарар келтирувчи тушунмовчиликлар келиб чиқади? Бизнингча, ҳар бир бўлғув-

вал етти пуштини сўраб-суриштириб, уй-жойи, туриш-туришини, рўзгор тутушини, энг асосийси — онасини кўрмаган-мидингиз? Уйкута бошқоронги келиннингизни энди ёмонотлик қилиб, орага совуқчилик туширишдан не ҳожа? Ота-онанинг ўғил уйлашидан асосий мақсади — фарзанди тақдирга биштирилган жуфтхилоли билан муштамак оила қуриб, наслини давом эттириш экан, келинга хизматкор тарзда эмас, балки оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида муомала этмоқ даркор. Ҳомилдорлик, бошқорон-



Келинга зулм ўтказиш мақсадида бошқоронги қаттиқроқ тутишга интилан айрим қайноналар тез фурсатда ўз оғулининг йўқотиб қўйишлари мумкинлигини англамайдилар, чоғи. Хонадоннинг ҳали барча тутумларини ўзлаштиришга улгурмаган, баъзи ишлари ҳали хом, чаққону абжирлик ҳалдини эгаллашга улгурмаган ёш уй бекасига энг яқин ҳамкор — қайнона бўлмоғи лозимлигини унутмаслик даркор. Билмаганини билдириш, ўргатиш, хонадон аъзоларига нисбатан меҳр уйғотиш ҳам «катта» — кўприк» бўлувчи қайнонанинг вазифаси.

Қайнона бўлишга тайёرمىсиз?

унинг ҳар бир ҳаракати, имоширасанга англаб, ҳолию даридаман боқибар, тиқ этган шабодани ҳам раво кўрсатмай ўстирган волидан муҳтарам бунун янги уй бекаси — ўғилнинг қўшиғига маъмур масъулиятни тўла топириш учун қудрати етарлими? Унинг қўлида келинчаққа нисбатан озгинагина бўлса-да рашқ, қизил ганиш, меҳри бўлишиш аломатлари йўқми? Унингнинг ёшга, қалб қўри, меҳру садоқатини баҳшида этган нурийдиласи уйланиганидан сўнг хотини деб онаизорини унутвормайди, деган ҳақиқати? Ота-қўбилардан мерос қолган: «Бир қўлингизда хотинингиз, бошқа қўлингизда онангиз ту» ўғити қўлиганимиз...

Баъзан келиндан шикоят қилувчи айрим қайноналарнинг гаплари қулқоқча чалиниб қолади: «Келиним Улғудай дангаса, ухлагани ухлаган. Иш буржорангиз — бажаради, ўзи билиб-билиб қилмайди. Онаси ишта солмаган экан. Уелиминг пешонаси курсин...» Ие, келинни олишдан ав-

ғиллик даври — фаслар алмашганда содир бўладиган сир си-ноатларга тўла бир муқаддир. Бунда аёл нуқулда, руҳиятида жуда катта ўзгаришлар бўлади, унинг бутун жону жаҳони зуррият шаклланишига бўйсундирилади. Бу даврда аёл кўнгли тўсган неъматини ёши ширару. Ўзбек халқи азиздан бунга ниҳоятда эътиборли бўлиб, «бошқоронги аёл егиси келса, бир булак гўштигиндан-да кесиб бер, бунинг савоби — улуг», — деган. Албатта, бу таъбир бироз бўрттирилган бўлса-да, унинг замирида ҳаётий маъно — одамийлик борлигини унутмаслик даркор.

Туғилмак бола соғлом — тўрт муҳаси тугал бўлиши учун ҳомилдор аёл эмин-эркин ҳаёт кечирши, асабини ниҳоятда асраши зарур. Асаблар таранг-лашуви, оилада кўнглисизлик ва дилхиралликлар нафақат ёш она руҳиятига зарар келтиради, балки она батнида ривожланаётган ҳомилда учун ҳам ниҳоятда ақе таъсир қўрсатади. Иккала ўғилни баробар уйлаб, қўш келин туширган тош-

батла. — Ҳар бири ўз эрини, боласини эплаганига шукур қиламан. Ҳеч ҳанон ўзимнинг қўлимдан келадиган ишни уларга мажбуран бажартирмайм. Хизматимини қилсин, деб талаб қилмайман. Хулоса шукур, ҳали тани-жоним соғ, кир-чирлар ўзимдан ортмайди. Ёшлар толиқиб, ҳаётдан заа бўлиб қолмасин, деб қўлдан келганча уларга қўмақлашаман. Байрамларда иккала қўлам билан болаларимиз бил-қўб ўтираимиз, ёшлар айланиб, кўнгли эиб келишимиз. Кенжам — Барноҳон тушмағур қўламга: «Қайнонам сиздан ҳам кўра меҳрибонроқ ва менга эътиборлироқ», — дебди. Бечора қўдам аввалгига кўнглига оғир ботиб, дили оғрибди, кейин сукунибди. Ҳар қайси она қизининг ўзидан тинишини истайди. Мен учун келинимнинг ана шу баҳси — катта совға».

Соғлом авлод етиштириш борасида белгиланаётган чорая тадбирларимиз, бажаришга киришилган барча саъбу ишлари-миз ҳар бир хонадонда ўз самарасини кўрсатиши учун ҳамма қайноналарга тили билан тенг айланган келин-лар насиб этишини тилаймиз.

Кекса онахонлардан бири: «Илоҳим, тили билан тенг айланган келин келисин», — дея дуо қилганида, бу ниятнинг маъносини унчалик англамаган эдим. Тили билан тенг айланган — қайнона ва келин бир-бири билан тил топириш, ўзаро тушуниб муомала этиши эканлигини бил-гадан сўнггина халқ доғимамандлиги на-қадар чуқур ва пурқиматлигига яна бир бор амин бўлдим.

Гулчехра МУҲАММАДЖОН қизи.

ҲИКМАТ Яхши маслаҳатга кўнмаган инсон, Оқибат бўлади ўзи пушаймон.

Теннис ИРОДА КУЧЛИ ЙИГИРМАТАЛИКДА!

Жаҳон тенниси дунёсига ўзининг сўзи билан кириб келаятган истеъдодли ҳамюртимиз Ирода Тўлағанова муқабилларимизни қувонтиришда давом этмоқда. Бу сафарги хушхабар Австриянинг Линц шаҳридан олинди. Ҳамюртимиз мукофот жағғармаси 565 миң долларни ташкил этувчи йирик халқаро мусобақанинг ярим финалигача бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтиб, жаҳон тасниф жаҳвали учун қимматли очколар жағғари. Айнан ушбу зафарли одим Иродани биринчи марта WTA рўйхатининг 20-поғонасига кўтарди.

Жаҳоннинг деярли барча қучли ракета усталарини тўплаган Сeneali kedes indoor турнирининг биринчи босқичида Ирода асосий турга саралаш мусобақаларини йўллама олган россиялик Анастасия Мискинага икки сетга доғла қолдириб — 6/2, 6/2. Унинг икки босқичидаги рақибаси мусобақанинг иккинчи тартиб рақами иштирокидаги бельгиялик Жюстин Хенин бўлди.

Жаҳон тасниф жаҳвалида олтинчи поғонада бораётган номдор рақибаси билан ўтказилган учрашувида Тўлағанова ўзининг нималарга қолди эканлигини исботлади. Ирода биринчи сетни тай-брейкда ютқазиб қўйди. Аммо Жюстиннинг осонлик билан галаба қозонишига бўлган умиди пуча чиқди. Ирода иккинчи сетга рақибасига бирон-та ҳам очкони раво қўрмади. Учинчи ҳал қилувчи сет ҳам ҳамюртимизнинг тўлиқ усту-лиги остида ўтиб ва 1/4 финалга йўллама олди — 6/7 (1), 6/07 6/3. Чорак финалда Тўлағанова яна бир россиялик теннисчи — Татьяна Панава рўбару келди. Ирода Панава билан ўтказилган аввалги учрашувида ҳам галаба қозонганди. Бу сафар ҳам у ташаббусни қўлдан бой бермади ва икки сетга торозининг палласини осонлик билан ўз томонига оғдириб — 6/2, 6/4.

Ярим финал учрашуви жуда муросасиз курашлар остида ўтди. Югославиялик Елена Докич биринчи сетни ўз фойда-сига ҳал қилган, кўнглисиз ўйин тез орада унинг галабаси билан яқунланганини башорат қилишганди. Бирок Тўлағанова ўзининг иродасини намойиш этиб ва иккинчи сетни ютиб олди. Учинчи сетнинг дастлабки геймида омад Докичга қулиб боқди. Иккинчи геймда эса Ирода 40:0 ҳисобида олдинда бораётганди. Афсуски,

рақамли захира ўйинисини сифатида ташриф буюриш им-кониятини берди. Линдлага мусобақанинг жуфтликлар баҳсида ҳам Ирода муваффақиятли қатнашди. У украинalik Елена Татаркова билан биргаликда ярим финалгача бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтди. Умуман бу йилги мавсум Ирода учун ниҳоятда омадли келганлигини таъкидлаш керак. У икки йирик турнир — Хертогенбош ва Линц турнирларида ярим финалгача чиқди. Вена ва Нокке — Хейст турнирларида эса шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. «Улкан тож» туркумига энг нуфузли мусобақа — Америка очик чемпи-онатига биринчи марта учинчи босқич баҳсларида иштирок этиб, Ил болшда Ирода дунё теннисчилари рўйхатида 75-поғонада бораётган эди. Эндиликда эса жаҳоннинг барча оммавий ахборот воситаларида, интернет тизимларида Тўлағанованинг исми-фамилияси, туғилиб ўстан УЗБЕКИСТОН олдин мамла-кат номи кучли ЙИГИРМА-ТАЛИҚДА мунтазам қайд этил-моқда.

Комилжон ЖУМАЕВ, журналист.


Соқчи варрақлар

Ҳар йили қишлоқ ҳўжалиги маҳсу-лотларини етиштиришда ёввойи қаптар-лар қўллаб зарар келтиради. Уларга қарши курашишда англолик мутахас-сислар варрақлардан фойдаланишни таъкиф этишди. Бу усулдан фойдала-ниш пухи кўрсатмоқда, катталиги икки метрлик қуш нақ-лида бўлган қизил варрақлар учирлаган даладаларда хосил-данга тула сақлаб қолган. Ориктологларнинг фикрига қара-ганда, ёввойи қаптарлар бундай варрақларнинг йирткич қуш, деб ўйлаб даладаларга яқинлаша олмас эканлар.

«Саҳна булбули» ҳақида фильм

ли ва видеофильмлар орқали яхши билалдилар. «Назира Аҳмедова (Булбул)» фильмининг ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган артист, киноре-жиссёр Алиаксандр Фатхуллин операторлардан Р. Галиев, У. Ортиқовлар билан ҳамкорлик-да суратта олган. Машҳур хо-нанда, миллий операмизининг «колоратур» soprano'си, саҳна-да ўнлаб жозибали сиймолар-ни яратиб кетган Назира Аҳме-дованинг ҳаёти ва ижодий фа-олиятининг ақе эттирувчи юз-дан ортиқ ноёб фото-суратлар, кинотасмалар, радиога эъиб-олинган қўшиқ ва опера ария-лари ҳам архивлардан, фоно-текалардан излаб топилиб, қай-та тикланиб, таъмирланди. Ва янгитдан тилга, тасвирга ки-риптиди. — Бу фильмининг яратиш жа-раёни осон кечмади, — дейди Ҳужжатли фильмлар студияси — «SDF» директори Т. Аҳме-дов. — Зеро, машҳур хонанда, Назираҳоним ҳозир орамизда бўлганда 90 ёши чамаляб қолган бўларди. Афсус, бу ажайиб инсон, булбул овозли саянпатор орамиздан эрта кет-ди. 1963 йилда у кишининг ярим аерлик юбилейи ўтказил-гач, куп ўтмай дундан қў юмган. Биз муаллим ва ре-жиссёр, операторлар билан ҳатто ўша юбилей ҳечасини тасмалардан тикиб, яратил-ган фильмага киритдик. У қар-лар эндиликда ўта ноёб,

ҳаяжонли ҳамдир. —Саянпатор ҳаётлигида фильм суратта олинса, сие-нарий яратиш босқичини анча енгил кечиши мумкин эди, — дейди сценарий муаллифи Баҳриддин Насриддинов. — Режиссёр, операторларнинг иши ҳам мушқуллашмасди. Қани энди, артистнинг ўз иштироки билан маъмур фильм суратта олинса. Афсус, у энди орамизда йўқ, ҳанча-дан-қанча роллар суратта ўз-вақтида олинмай қўлиб кет-ган. Биз ана шу ҳолатларни инобатга олиб, Назира Аҳме-довани яхши билган, у бил-дан театрларда хизмат қилган, бирга саҳнада роллар ижро эт-ган ижодкорлардан — Узбе-кистон халқ артистлари Сали-ма Ҳўжаева, Галия Измай-лова, Дилбар Абдурахмонова, профессор Муҳаммад Ризие-валарни ҳам ушбу хайрли ишга жалб этидик. Фильмининг я-ратишда Назираҳонимнинг ўли — таниқли физик, фан доктори Элдор Гуломов, зур-риятлари Ферузахон, Ҳикоят, Тоқчилов, Эргашов, Зубай-дахонлар ҳам қатнашиб, яқиндан ёрдам бердилар. Ҳа, Назира Аҳмедова қисқа, аммо ижодий зафар-ларга, чинакам нафосатга бой умр кечирди. У бугунги ва эртанги авлодларга катта маъ-навий-маданий мерос қолди-рди. Унда ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» муҳбири.



Езёвонда бир маскан...



Езёвон туманидаги қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежиди олти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Қайта таъмирланган маъмур ўқув дар-гоҳида замон талабларига мос ўқув жиҳозлари мавжуд. Шунингдек, ундаги спорт зал, охиона ва икки ўз урили ётоқхонада қўнғилбайдиқ шарт-шаро-ит яратилган. Бу ерда 516 нафар талаба билим олмоқда. Уларни етук мутахассислар қилиб тайёрлашда зиё маскани мураббийларининг ҳиссаси беқийсдир.

СУРАТЛАРДА: компьютер хонасида; кутубхо-на ҳаминча гажум. Муқимжон ҚОДИРОВ (ўЗА) олган суратлар.

Advertisement for 'ASAKA' BANK. Title: 'АСАКА' БАНКИ. Subtitle: ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ҚУЙДАГИ ОМОНАТЛАР ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ. It lists various deposit terms and interest rates, such as 'I. ТАЛАБ КИЛИБ ОЛГУНГА КАДАР' with 4.5% interest, and 'II. МУДДАТЛИ' with 6%, 7%, and 8% interest rates for different terms. It also mentions 'ФОИЗЛАР ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ТўЛНАДИ' and 'ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ОМОНАТЛАРНИНГ БУТУН АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИДА УЗГАРМАГАН ҲОЛДА САҚЛНАДИ'.

Advertisement for 'SAHNA BULBULI' film. Title: «Саҳна булбули» ҳақида фильм. It describes the film as a biographical work about the famous Uzbek singer Nazira Ahmedova, highlighting her talent and the challenges she faced. The film is presented as a high-quality production with extensive archival footage and interviews.

A vertical sidebar containing various notices and advertisements. It includes contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, details about subscription rates, and announcements regarding the publication of a book or collection of works.